

# ПРЕЗИДЕНТ ЎЗУРИДА ҚАБУЛ

2 январь куни Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.



Ислон Каримов жанубий кореялик меҳмонларни янги йил билан муборакбод этиб, уларнинг йил бошида юртимизга ташрифи Ўзбекистонга алоҳида қизиқишнинг ифодаси

эканини қайд этди. Ўзбекистон раҳбари ўтган 1996 йил мамлакатимиз билан «ДЭУ» компаниялари ўртасида муваффақиятли ҳамкорлик йили бўлганини алоҳида таъкидлади.


Суҳбат чоғида «ЎЗДЭУ-авто» заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, жамловчи материаллар таъминоти, тўқимачилик мажмуини қуриш, телекоммуникацияни та-

рақий эттиришда ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазир ўринбосари К. Раҳимов,

«Ўзбекнегилсоноат» давлат уюшмаси раиси Б. Эргашев, «Ўзавтосоноат» уюшмаси раиси Қ. Парпиев иштирок этди. (Ў.А.)

СУРАТДА: қабул пайти. С. СУФАРОВ тасвирга олган.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

# Халқ Сўзи



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 январь, жума, 1997 йил  
Сотува эркин нархда. № 2 (1519)



## БУТРОС ҒОЛИЙ ВАТАНИГА ҚАЙТД

1996 йилнинг охирида кунда Бутрос Ғолийнинг БМТ Бош қотибани лавозимиди вақолати илҳосига этди. Нью-Йорк шаҳридаги штаб-квартирада у ўз ходимлари билан хайрлашар экан, уларга янги йилда бахт тилади. Уни қарсаклар билан кузатиб қолди. Бутрос Ғолий ўз лавозимда БМТда молия масалаларини еча олмалганини энг катта муваффақиятсизлиги, деб ҳисоблайди. Мамлумки, АҚШ БМТнинг энг катта қардоридир. Бу давлат БМТга 1,3 миллиард доллар қарз бўлиб қолган. АҚШ Бутрос Ғолий халқаро ташкилотда илҳосларни изчи ўтказмади, деб унинг иккинчи мартаба сайланишида қарши чиққан эди. Аслида эса у АҚШнинг ўзининг мустақил фаолият кўрсатишига иштишли билан қаноатлантармаган эди. БМТнинг янги бош қотиби Кофи Аннан БМТда уюшмага келган молиявий муаммоларини ҳал қилишининг боз вазифи деб ҳисобламоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар кунини» деб белгилансин ҳамда у байрам (дам олиш) кунини белгиб қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова)

131-моддаси олтинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўдирилсин:

«1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини»;

Шу модданинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишли равишда саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар

деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ таълим ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги 1993 йил 29 декабрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1994 йил, №1, 2-модда) ўз кунини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 27 декабрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги давлат бюджети тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, Олий Мажлис депутатларининг муҳокама давомида билдирган тақлиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган 1997 йилги Давлат бюджетини қараб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Давлат бюджетини бюджет тақчиллигининг энг юқори даражасини ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан уч фойз миқдорда белгилаш ҳолда маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: бир ҳафта мудат ичида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Давлат бюджетини тўғрисида қарор қабул қилинсин;

республика бюджетининг 1997 йил биринчи чораги, биринчи ярмидаги ва тўққиз ойлик ижросининг яқунларига қўра, тушади-

ган даромадлар доирасида устувор инвестиция лойиҳаларини рўйбга чиқаришга, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ йўналишларини кучайтиришга маблағлар ажратилиши қўлайтириш юзасидан зарур тўлатишлар киритиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 1997 йилда Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмининг бир фойзи миқдорда кредитлар бериб бориши.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини даромадлар бўйича 182,5 миллиард сўм, харажатлар бўйича 202,1 миллиард сўм

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси  
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 27 декабрь.

## «ЖАҲОН БОЗОРИ»

Наманган шаҳри четида «Жаҳон бозори» қуришга кийришти. Янги ишюпти фойдаланишга топшириш учун 500 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш режалашти-

рилган. Бу қурилишда виллоядаги барча қурилиш ташкилотлари иштирок этишмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, ушбу бозор ишга тушган, виллояда пул эмиссиясини қисқартириш, бу қатор муаммолар ўз эчимини топди.

ривожлантириш орқали виллоят бюджетига нақд пул тушурини қўлайтириш каби бир қатор муаммолар ўз эчимини топди. А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Мустақиллик иншоотлари

## Қўнғиротда қурувчилар шаҳарчаси

Бу ердаги сода заводида асосий ишлаб чиқариш иншоотлари қаторида қурувчилар шаҳарчаси ҳам жадал сурьатларда бўй тикламоқда. Ҳозирнинг ўзида бу ерда ўлаб турар жойлар, ётоқхоналар, маланий-манший бинолар фойдаланишга топширилди.

Яқинда ушбу қурувчилар шаҳарчасида яна бир муҳим иншоот — табиий газ тармоғи фойдаланишга топширилди. Умумий узунлиги 24 чакирман иборат бу қурилма «Жанузакқурилиш» бирлашмасининг 6-қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан барпо қилинди. Мазкур бошқарма аъзолари шу кунга қадар бу ердаги маланий-манший иншоотларни тиклаш учун 50 миллион сўмликдан ортиқроқ маблагни ўзлаштирилди.

Ҳайитбўй АБДУСОДИҚ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Во, ажабо!

**Республика Президенти Бухорода сўзлаган нутқиди мол туёғи, гўшт ва сут етиштириш камайиб кетаётганиги ҳақида гапирар экан, бундай ҳол деҳқон-фермер ҳўжалиқларида ҳам юз бераётганини алоҳида таъкидлади. Бунга Бекобод туманидан ҳам қўллаб-қўллаб келтириш мумкин.**

Туманда фаолият кўрсатаётган 153 фермер ҳўжалигидан 42 таси чорвачилик билан шўғулланади. 1996 йилнинг ўтган 9 ойида улар 62 тонна сут, 18 тонна гўшт сотишди.

Чорвалдор фермерларга озуқа экинлари экиш учун ер ажратилган, техника турларига эга. Улар етиштирган гўшт ва сут давлат тайёрлов пунктлари томонидан қабул қилиб олинмоқда. Фермер ҳўжалиғи ташкил этиш нистагини билдириб келадиган кишилар сонини ортинг борапти.

Албатта, маҳсулотни вақтида қабул қилиб олишга, бир томондан фермерга осон бўлади. Лекин унинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги масаласи қандай?

«Сарюз» ширкатлар уюшмасида фаолият кўрсатаётган фермер Файзулла Бобоқулов қарамогиди моллар туёғи камайиб кетган. 30 бош ўрига 20 бош қорамол қолган. Сабоби маҳсулотни топшириб қўйган фермер ўз пуллари олмадан, оилаб сарсон бўлади. Бўроқчилик пункти бир йилга яқин вақт мобайнида қарзларини узоқламапти. Натийжада озуқа, ёнилғи, меҳнат-

кашларнинг ойлик мошини каби харажатлар учун фермер бозорда мол сотишга мажбур бўлмоқда. Мол туёғи қаматгач, ҳар ўн бош шартли қорамол ҳисобига 3 гектардан экин майлони қисқартирилади. Кейинчалик, фермер мол

ни бир марта олиб келиш учун сутга тўланадиган маблагдан кўпроқ ёқилги сарфлар экан. Тармоқни даромадли соҳага айлантириш учун икки-уч ҳўжалиқдаги фермерлар уюшиб, маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик қорхоналар ташкил этишга яқин бўлмайдими?

Каттами, кичикми, ҳарқалай туманда хусусий чорвачилиқни ривожлантириш, даромадли тармоққа айлантириш, аҳоли дастурхонини тўқин қилиш учун ҳал этиладиган муаммолар анчагина. Шу масалалар билан ўзига берилган вақолат даражасида шўғил-

ланши учун фермерлар уюшмаси раисиға биринчи навбатда эркин фаолият юритиш ҳуқуқи ва хизмат автономили зарур. Сут ва гўштини қабул қилиб олаётган пунктлар қарзини вақтида тўлай олмас, фермернинг пахта толаси тезда сотилиб, пули тўланмаса, бугдёлари арзон нархларда қабул қилинса, даромадга буромад масаласи қандай ҳал бўлади? Асосий ишни қилиб, уюшма раисини турли хил топшириқлар, комиссиялар иши билан банд қилиш ҳолларининг тўғривчи бўлдиқ. Чорва маҳсулдорлиғи, экинлар ҳосилдорлиғи ортмас экан, қўллаб-қўллаб даромад, мўл маҳсулот, тўқин дастурхон ҳақида қандай мулоҳаза юриятимиз?

Темур ХАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

Қорамоллардан бирини бозорга олиб чиқади, бирини сўйиб сотади. Мазлум вақт мобайнида фермер бешта қорамол сотса, рўйхатга олинган бу қорамолни сотишдан тушган нақд пулни банкка топшириш шарт. Ахир у ёш моллар ҳисобига бўш ўринларни тўлдирини керак-ку. Зотли ёш молни танлаб олиш учун, албатта, яна бозорга бориш керак бўлади.

— Бизда махсус кўрсатма бор, — дейди тумандаги «Тадбиркорбанк»

бошқарувчиси Муборак Мадёрба. — Фермер бутатибдла топширган маблагининг 5 фойизини нақд пул тариқасида олиши мумкин. Мол, техника, ем, ёнилғи олиш учун фақат пул ўтказиш усулига рухсат берилади. Бу усулда иш юртишлари учун уларга ёрдам беришга биз ҳар доим тайёримиз.

— Фермер эса, — дейди туман фермерлар уюшмаси раиси Тоҳир Собиров, — пул ўтказиш йўли билан жайдари мол эмас, бозордан маҳсулдор, зотли молларни танлаб олишни хоҳлайди. Бунинг учун бозорга нақд пул билан бориши керак.

Яна бир муаммо — тумандаги «Навбахор» жамоа ҳўжалигидан сут қабул қилиш пунктига бўлган масофа 50 километр. «Бекобод» жамоа ҳўжалигидан 45 километр келди. Шунча масофадан 30 литр сут-

ни бир марта олиб келиш учун сутга тўланадиган маблагдан кўпроқ ёқилги сарфлар экан. Тармоқни даромадли соҳага айлантириш учун икки-уч ҳўжалиқдаги фермерлар уюшиб, маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик қорхоналар ташкил этишга яқин бўлмайдими?

Каттами, кичикми, ҳарқалай туманда хусусий чорвачилиқни ривожлантириш, даромадли тармоққа айлантириш, аҳоли дастурхонини тўқин қилиш учун ҳал этиладиган муаммолар анчагина. Шу масалалар билан ўзига берилган вақолат даражасида шўғил-

ланши учун фермерлар уюшмаси раисиға биринчи навбатда эркин фаолият юритиш ҳуқуқи ва хизмат автономили зарур. Сут ва гўштини қабул қилиб олаётган пунктлар қарзини вақтида тўлай олмас, фермернинг пахта толаси тезда сотилиб, пули тўланмаса, бугдёлари арзон нархларда қабул қилинса, даромадга буромад масаласи қандай ҳал бўлади? Асосий ишни қилиб, уюшма раисини турли хил топшириқлар, комиссиялар иши билан банд қилиш ҳолларининг тўғривчи бўлдиқ. Чорва маҳсулдорлиғи, экинлар ҳосилдорлиғи ортмас экан, қўллаб-қўллаб даромад, мўл маҳсулот, тўқин дастурхон ҳақида қандай мулоҳаза юриятимиз?

Темур ХАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

Краснодар ўлкасидаги дарёларнинг сув сатҳи тўрт метрга кўтарилди. Офат билан фаёққолдода вақитлар вазирынинг ўлка бўлими курашмоқда.

Чеченiston Президентлиги лавозими учун рўйхатдан ўтган барча номзодлар сайловда иштирок этишлар, деди Моладди Удугое.

Курд жағарларини таъбиқ қилаётган Туркия армияси Шимолий Ироқ ҳудудиға кирди.





## КЎШАЛОҚ БАЙРАМ БЎЛИБ ЎТДИ

Президентимиз ташаббуси билан 1996 йилнинг янги ўқув йилидан бошлаб, бошланғич синф ўқувчиларига лотин алифбосида дарс ўтирилиши кўзда тутилган эди. Шу кунларда лотин алифбосидаги ҳарфларни ўрганишган болаларнинг «ALIFBE» байрамлари билан бирга янги йилни ҳам кутиб олишмоқда.

Кунни кеча пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туғилган 22-мактабда ана шундай кўшалок байрам бўлиб ўтди. Кўшалок байрам ҳақиқий тантананага айланган. Болажонларнинг лотин ҳарфларини шуғура сингирган сеvimли ўқувчиси Каримахон Бўрибоза тадбирда сўзга чиқиб, ҳаф ва ёзувни ўрганган болаларнинг бу ерга ташриф

ган ота-оналарини, меҳмонларни кўшалок байрам билан табриклади. Сўнг мустақил дидеримизда биринчи марта бу усулда саводини чиқарган кичкинтойлар — биринчи қалдирғоч бўлиб, ўткир зехли бўлишларида камолот тилади.

Тадбир сўнгидики мактаб директори Ҳақим Ҳошимов болалар Ватан истиқболи эканлигини таъкидлаб, бундан

кейин ҳам мураббийларни ота-оналар билан янада яқинроқ ишлашларига тўхталди. Барчани байрам билан табриклади.

Ҳақиқатан ҳам бу болакайлар 1997 йилни «OQIS» китобини қўлга олиш билан бошлашади. Бошланаётган йил эса болалар каби бегубор бўлсин.

Ботир ҲАСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



## Галла мустақиллиги Янги услублар

Қаҳрамон ЙЎЛДОШЕВ,  
Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги  
уруғчилик бошқармаси бошлиғи:



— 1997 йилдан умидимиз катта. Айниқса, мамлакат галла мустақиллигини таъминлаш борасидаги ишларимиз самараси шу йилда янада ойдинлашади. Ана шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 декабрда қабул қилган «Андижон вилоятида бошоқли дон экинлари уруғчилигини ташкил этиш масалалари» туғрисидаги қарори ижросини таъминлашга ҳозирлаш киришилди. Бу қарорда бошоқли дон экинлари мустақам уруғчилик базасини яратиш, барча галла майдонларига юқори репродукцияли, юқори классли уруғ экишга эришиш таъкидланади.

Маълумки, Андижон вилоятида қатор йиллардан буён галладан юқори ҳосил олишга эришилапти. Қраснодар ўлкасидан олиб келинган,

Ўзбекистон иқлим шароитига мослаштирилган «Юна», «Скифянка» навларидан вилоятдаги айрым ҳўжаликлар 60 центнердан ошириб ҳосил олишга эришдилар. Вилоят галлакорларининг иш тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакат эҳтиёжи учун зарур бўлган (сувли майдонларда) 250.000 тонна уруғлигининг 200.000 тоннаси Андижон вилоятидаги ҳўжаликларда етиштирилади. Бу — уруғчиликда ишларни марказлаштириш, бир қадар тартибга солиш имконини беради.

Ушбу янги услубни қарор топтириш Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзлонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси мутахассис ва холмлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

— Ҳўжаликларни уруғчиликка ихтисослаштиришдан деҳқон қандай манфаат кўради?

— «Юна» ва «Скифянка» навлари кучли бутдой ҳисобланиб унинг харид нархлари бошқа навларга қараганда бир қадар юқори. Шу боис 1997 йилда ҳўжаликлар бу нав уруғлигини 1,5-1,8 баробар қимматта сотиш имкониятига эга бўладилар.

Шунингдек, янги йилда пахтачиликда ҳам янгича услуб оммалаштирилади. Энди, ҳар бир вилоятда нав танлашга алоҳида эътибор берилади. Масалан, вилоят миқёсида 3-4 тадан ошқ нав экинмайди. Туманларда бу меъёр 2 тадан, ҳўжаликларда эса 1 тадан ошмайди.

Тилатим, Инсон манфаатлари йили бўлган 1997 йилда мамлакатимиз галла ва пахта хирмони, халқимиз дастурхони янада кут-баракали бўлсин!

### Дил изҳори

## САМАРА ЭСА МАНФААТ ДЕГАН

Тўқсон олтинчи йил мамлакатимиз ҳаётида кўп йилларга татигулик воқеаларга бой бўлди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи янада мустақамланди. Шу ўринда Президентимизнинг Америкага савфари алоҳида таъкидлаш керак.

Энг муҳими тўқсон олтинчи йилда Ўзбекистон ўзбекистонга эга оўлдирди. «Тико», «Дамас» ва «Нексия»ларнинг кун сайин бозори қаққонлашиб борастгани одамнинг кўнглини кўтариб юборди. Мен ботармоққа беносита даҳло бўлганлигим учун ҳам кўчаларимизда бу ноёб машиналарни кўрсам, кўнглим тоғдай кўтарилади.

Тўқсон етинчи йилдан умидимиз янада катта. Президентимиз уни—Инсон манфаатлари йили деб эълон қилишлари жудаям

яқши бўлди. Манфаат самаранинг кафолатидир. Албатта, бу ерда «манфаат» сўзини баъзилар уйландиғандай тор маънода эмас, кўпчилики уйландиған кенг маънода тушуномқ керак. Мамлакатнинг тинчлиги, демакки ободлиги, турмушимизнинг фаровонлиги, дастурхонимизнинг тўкин-сочинлиги ҳам элим деб, юртим деб юрган ҳар бир инсон учун катта манфаатдир.

Агар беносита меҳнат жамомиз ҳақида сузлайдиган бўлсак, тўқсон олтинчи йил биз учун яқши йил бўлди: ре-

жалар бажарилди. Албатта, эҳтиёт қисмларнинг танқислиги, қимматлиги бизни ҳам... хурсанд қилмайди. Аммо, олма пиш оғзимга туш, деб ўтираверсак, ким ҳам бизга эҳтиёт қисмлар олиб келиб берад эди, дейсиз. Шунинг учун ҳам ҳозирча йўловчилар йўлда қолгани йўқ. Табиийки, тўқсон етинчи йилда хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам, маданияти ҳам ортади — йил бошида қандай... катта гапиришим учун барча асослар бор. Чунки, қанча кўп ва яқши ишласак, меҳнат самараси шунча юқори бўлади. Самара эса манфаат деган гапнинг айнан узгинаси.

Комилжон САПИЕВ,  
Денов шаҳар «Чағаниёв» хиссадорлик жамиятининг раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты.

Бундан бир неча йил илгари қорақалпоғистонлик сайёҳлардан бири Япониядан олиб келган битта макка сўтаси бугунги кунда қарий 5 тонналик сара уруғликка айланди.

## НУКУС ДАЛАЛАРИДА ЯПОН МАККАСИ

Сувни кам талаб қиладиган, бўйи паст, лекин ҳар тупида 5-17 дона сўта боғлайдиган, жайлари навларга нисбатан 1,5 - 2 ҳисса кўпроқ яшил озуқа берадиган бу экинни Нукус туманидаги «Нукус» жамоа ҳўжалиги деҳқонлари оддийгина «япон макка» деб аташади.

1996 йилда ҳўжалиkning 5 тектар майдонига экинган «япон мак-

ка» синондан яқши ўтди. Фақат уруғлик учун 5 тоннадан зиёд макка ҳосили саралаб олинди. Бу кўрсаткич келгуси йилда нукусликларга нафақат ўз майдонларида сара «япон макка» уруғини қадаш, балки ортиқча қисмини ўзга ҳўжаликларга «экспорт» қилиш имкониятини беради.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Дил изҳори

## 34 МИНГ ДИВИДЕНД ОЛДИМ

Наримон ХОЛМУҲАММЕДОВ,  
Тошкент вилоятидаги «Роҳат» хиссадорлик жамияти ишчиси:

— Ўтаётган 1996 йилни муҳим бурилиш даври, деб аташ мумкин. Чунки корхонамиз айнан ана шу йилда ишлаб чиқараётган яхна ичимликлар турини еттига оширди. Албатта, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифати, тури, рақобатбардошлиги ошган сайин ишчиларга бериладиган маош ва дивидентлар миқдори ҳам шун-

чалик ортиб боравераркан. Буни мен ўтган 1996 йили яққол ҳис қилдим.

Корхонамиз 1995 йили хиссадорлик жамиятига айлантирилганда, хушламайгина 45 та акция сотиб олгандим. Йил якунида ушбу акциялар учун 20 минг дивидент олдим. Кейин яна қўшимча 25 та акция сотиб олдим. Ана шу қўшимча акциялар учун ўтган 1996 йилнинг олти ой-

ига 14 минг дивидент тулашди. Албатта, буларнинг барчаси маҳсулотлар сифатининг ортиб бориши шарофатидир.

Шунини ишонч билан айтганда, 1997 йилнинг ҳам қадами кўтлуг бўлади. Корхонамизда эса хорижий маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

# 1997 - ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Ўзбекистон халқини янги - 1997 йил билан самимий муборакбод этамиз!

Биз - "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонаси, "Ньюмонт (Ўзбекистон) Лимитед" ва "Ньюмонт Голд Компани" жамоалари Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан, мустақил Ўзбекистон мамлакати ва Америка Қўшма Штатлари халқлари ўзаро ҳамкорлигининг самарали натижаларига фойдамиз тегаётганидан фахрланамиз.

Зарафшонда олтин қазиб олиш бўйича лойиҳани амалга ошириш чоғида ишончли шерик бўла олганимиздан бахтиёрмиз.

Ўзбекистоннинг салоҳиятли халқига тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, буюк туб ўзгаришлар йўлида янги-янги зафарлар тилаб қоламиз!

"Зарафшон-Ньюмонт" ҚК. "Ньюмонт (Ўзбекистон) Лимитед". "Ньюмонт Голд Компани".

